ТАЛАБАЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Қувондиқов Сардорхон Сидиқ ўғли

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доцент в,б

Аннотация. Ушбу мақола бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик ва ватанпарварлик компетенсиясини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларидан “Узлюксиз маънавий тарбия консепсияси”ни жорий этишда тарбияланганликни баҳолаш индикаторлари сифатида фойдаланилган. Натижада бўлажак педагогларни талабаларда Ватанга садоқат компетенсиясини шакллантиришга тайёргарлигини ташхис этиш имконияти ошган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ватнпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг компетенсиявий ёндашувга асосланган интерфаол шакл, метод ва воситаларидан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Мазкур таклифлар бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, уларда фаол фуқаролик позитсиясини ривожлантиришга имкон яратган.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик онги, ватанпарварлик дунёқараши, маънавий-ахлоқий, фуқаролик-ватанпарварлик, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт ва ватанпарварлик, педагогика, бўлажак ўқитувчилар, тарбиявий фаолият, таълим, тарбия, компетенсия, модернизатсия.

Аннотация. Данная статья была использована в качестве показателя оценки воспитанности при введении "концепции непрерывного духовного образования" из критериев и показателей развития гражданско-патриотической компетентности будущих педагогов. В результате возросла возможность диагностики готовности будущих педагогов к формированию у студентов компенсatsii лояльности к Родине.

Разработанные в рамках исследования интерактивные формы, методы и средства, основанные на компетентностном подходе развития чувства патриотизма, были использованы при разработке учебно-методического пособия "педагогическая наука и технология обучения".

Эти предложения позволили подготовить будущих учителей к воспитательной деятельности, развить в них активную гражданскую позицию.

Ключовые слова: Патриотическое сознание, патриотическое мировоззрение, нравственно-нравственный, гражданско-патриотический, военно-патриотический, спортивно-патриотический, педагогика, будущие учителя, воспитательная деятельность, образование, воспитание, компетентность, модернизация.

Annotatsiya. This article was used as an indicator of the assessment of upbringing when introducing the "concept of continuous spiritual education" from the criteria and indicators of the development of civil and Patriotic competence of future teachers. As a result,

the ability to diagnose the readiness of future teachers to form students ' loyalty to the Motherland has increased.

The interactive forms, methods and tools developed in the framework of the study, based on the competence-based approach of developing a sense of patriotism, were used in the development of the educational manual "pedagogical science and technology of education".

These proposals made it possible to prepare future teachers for educational activities, to develop an active civil position in them.

Keywords: Patriotic consciousness, Patriotic Outlook, moral, civil-Patriotic, military-Patriotic, sports-Patriotic, pedagogy, future teachers, educational activities, education, upbringing, competence, modernization.

Талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш педагогика фанида ўз ўрнига эга бўлган бир қатор методологик ёндашувларни ҳисобга олишни тақозо қилади. Ана шундай таянч асос сифатида тизимли ёндашув муҳим ўрин тутади. Чунки талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришни ўзаро бир-бири билан алоқадор яхлит тизим сифатида талқин қилиш мумкин. Тизимли ёндашув асосида талаба шахсида ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқ яхлит тасаввурлар шаклланади.

Шунингдек, талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш фаолиятли, шахсга йўналтирилган, аксиологик ёндашувларга ҳам эътибор қаратишни тақозо этади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув талабаларнинг жамият, олий таълим ташкилоти, маҳалла ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш орқали уларда саноген фикрлаш, мустақил қарорлар қабул қилиш, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш кўникмаларини изчил ривожлантириб боради. Бундай ёндашув талабаларга эгалланган билимларини реал фуқаролик фаолиятида қўллаш имконини беради.

Шахсга йўналтирилган ёндашув талабаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини бевосита ҳисобга олиш орқали жамият томонидан белгиланган ижтимоий буюртма асосида ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишни талаб этади. Мазкур жараёнда ҳамкорлик ва инсонпарварлик педагогикасидан фойдаланишга алоҳида эҳтиёж юзага келади.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқишда аксиологик ёндашув ҳам муҳим ўрин тутади. Айнан аксиологик ёндашув талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда ўзининг бурч ва мажбуриятларига қадриятли муносабатни таркиб топтириш имконини беради. Бўлажак мутахассиснинг ўз касбий фаолиятига аксиологик муносабати орқали ватанпарварлик туйғусининг намоён бўлишига эришиш мумкин.

Шунингдек, талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда неосферик-экологик ёндашув ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур ёндашувнинг таркибий асослари сифатида глобал дунёқарашни шакллантириш, нуқтаи назарларнинг бир хил аҳамият касб этишини қабул қилиш, ҳар қандай фаолият асосида шахснинг “ақл соҳаси (ноосфера)” ётишини бевосита ҳисобга олиш кабилар намоён бўлади. Албатта, бизнингча, ушбу ёндашув толерантлик билан боғлиқликда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ўрин тутади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳеч бир методологик ёндашув айри ҳолда кутилган натижани бермайди. Бу борада Н.А.Савотинанинг қуйидаги фикрларга

диққатга сазовордир: “Таълим-тарбия амалиётида мустақил равишда ҳеч бир ёндашув кўзланган натижага эришиш имконини бермайди. Ҳатто энг мукаммал деб ҳисобланган педагогик парадигма ҳам ўз-ўзини тўлиқ намоён қилиш, ҳар томонлама уйғун ривожланган фуқаро шахсини шакллантиришга хизмат қилмайди [106]”. Шунинг учун турли-туман ёндашувларни ўзаро интеграциялаш орқали фуқаролик таълим-тарбиясини самарали амалга ошириш мумкин.

Яхлит педагогик жараён концепциясига мувофиқ, касбий таълим ва ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш ўзаро уйғун тарзда амалга оширилади. Ана шу сабабли талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришни касбий тайёргарлик жараёнидан алоҳида деб қараш ўринли бўлмайди. Айнан таълим шахс ва давлат фаровонлигини белгилайди [104].

XXI аср олий таълими тўғрисидаги Бутунжаҳон декларацияси[27]да битирувчиларни мустақил, танқидий фикрлаш, ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш, жамият олдида турган муаммоларга ечим излаб топишга қодир ва юқори мотивацияга эга фуқаролар сифатида тайёрлаш лозимлиги алоҳида белгилаб берилган. Шундай экан, замонавий шароитда олий таълим жараёнлари талабаларнинг ватанпарварлик туйғусининг ҳиссий-эмоционал, когнитив, аксиологик ва амалий-фаолиятли каби барча таркибий қисмларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Бизнингча, замонавий шахс касби ва фаолиятидан қатъий назар, юқори даражадаги ватанпарварлик туйғусига эга бўлиши керак. Бу эса, кишиларга бир томондан, ўзининг ҳаётий фаолиятидан мамнунлик ҳиссини туйиш имконини берса, иккинчи жиҳатдан, ўз ҳаёти давомида фаол ва масъулиятли, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган ватанпарвар шахс сифатида шаклланиши учун муҳим ўрин тутади.

Сўнгги йилларда таълим сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида ватанпарварлик тарбиясини модернизациялаш ҳамда бу жараёнга ёшларнинг маданий жипслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳар бир минтақавий тизим учун анъанавий бўлган ёшларни ватанпарвар қилиб тарбиялаш, бундай тарбияни кучайтиришнинг йўлларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек ватанпарварлик тарбияси муаммоларини ҳал қилишга ягона ёндашувни ишлаб чиқиш борасидаги мамлакатларнинг интилишлари мана шундай жараёнлар натижасидир.

Ватанпарварлик тарбияси механизми сифатида инсон томонидан индивидуаллашув ва ижтимоийлашув жараёнида Ватанга хизмат қилишнинг аҳамиятини англаб етишга йўналтирилган фаолият юзага чиқади.

Шу аснода, ватанпарварлик ва таълимнинг бирлаштирувчи маконида ватанпарварлик тарбияси механизмини ўзлаштиришга нисбатан икки – қиёфавий-ҳодисали ва ҳодисали-инновацион методологик ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилади.

Қиёфа инсоннинг мавжуд ҳолати ва унинг ўз-ўзини ўзгартириш бўйича фаолияти асоси сифатидаги тасаввурлар шаклидаги идеал ўртасидаги фарқни тушуниш, англашни назарда тутади.

Ёш авлодни ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг негизида биринчи навбатда аждодларнинг намунавий тарихий келажаги қарор топишдан келиб чиққан ҳолда

тарбиялаш тизимини модернизациялаш самарадорлиги унинг маданий-таълимий анъаналар ҳамда мавжуд тажрибага мос ва хос бўлишини кўзда тутади.

Катта авлод вакилларини ташвишга солаётган ўтмиш билан алоқанинг узилиб бораётганлиги, авлодлараро ижтимоий ворисийликнинг йўқлиги ёшлар муҳитида истеъмолчилик қадриятлари кундан-кунга чуқурлашиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигига асосланади. Айни дамда қадриятларининг устуворлиги бойликка интилиш ва ижтимоий бегоналашувда ўз аксини топади.

Истеъмолчилик ҳаёт тарзи эзгулик, адолат, виждонлилик, ватанпарварлик сингари фазилатлар инсонлар томонидан жиддий қабул қилинмайдиган психологик муҳитни юзага келтиради.

Инсоният онгида қадриятлар ва маънавий мақсадлар тизимида юз бераётган ўзгаришлар бузғунчи ғоялар ҳатти - ҳаракатларининг турли кўринишидаги жамиятга зид бўлган жиноий фаолликни ўсиши ўсиб келаётган авлодни таълим масканларида тарбиялаш соҳасида минтақавий давлат ва маҳаллий сиёсат даражасидаги ватанпарварликни бирлаштириш муаммосига етарли эътибор қаратилмаганлиги.